

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМНИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАРДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ



https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a36

Содиқов Нариманжан Собирович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
«Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари» илмий-
тадқиқот маркази мустақил изланувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада профессионал таълимни молиялаштириш манбалари таҳлили ўрганилган, хорижлик иқтисодчи олимларнинг таълимни молиялаштиришга оид фикрлари баён қилинган. Шунингдек, профессионал таълимни молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари маблағлардан молиялаштириш долзарблиги, унинг мамлакат иқтисодиётига таъсири борасида муҳокамалар олиб борилиб, хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: таълим, профессионал таълим, молиялаштириш, хайрия, грант, иш берувчи, давлат бюджети.

ВОПРОСЫ ФИНАНСИРОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ ЗА СЧЕТ ВНЕБЮДЖЕТНЫХ ФОНДОВ

Содиқов Нариманжан Собирович -

Независимый исследователь исследовательского центра
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В данной статье изучен анализ источников финансирования профессионального образования, изложены мнения зарубежных экономистов относительно финансирования образования. Также были проведены обсуждения и сделаны выводы относительно актуальности финансирования профессионального образования за счет внебюджетных фондов, его влияния на экономику страны.

Ключевые слова: образование, профессиональная подготовка, финансирование, пожертвование, грант, работодатель, государственный бюджет.

ISSUES OF FINANCING PROFESSIONAL EDUCATION FROM EXTRA-BUDGETARY FUNDS

Sodikov Narimanjan Sobirovich -

Independent researcher of the research center "Scientific
bases and problems of the development of the economy of Uzbekistan"
under the Tashkent State University of Economics

Abstract. In this article, the analysis of the sources of financing of professional education is studied, the opinions of foreign economists regarding the financing of education are stated. Also, discussions were conducted and conclusions were drawn regarding the relevance of financing professional education from extra-budgetary funds, its impact on the country's economy.

Key words: education, professional training, financing, donation, grant, employer, state budget.

Кириш. Дунё миқёсида узоқ вақтдан буён профессионал таълимни молиялаштириш муаммоси тегишли вазирликлар, таълим муассасалари ва талабаларни ташвишга солиб келган долзарб масалалардан ҳисобланади. Иқтисодиёт ва тармоқлар мисли кўрилмаган суръатларда ривожланиб бораётгани бир даврда юқори малакали ишчи кучига талаб кучаймоқда. Бу таълимни молиялаштиришнинг анъанавий манбаларини қайта кўриб чиқишга ва профессионал таълим дастурларининг мавжудлиги, долзарблиги ва сифатини таъминлаш учун муқобил усулларни ўрганишга олиб келди. Бугунги кунда Ўзбекистондаги мавжуд профессионал таълим муассасаларини бюджетдан ташқари маблағларни жалб этган ҳолда молиялаштириш масалалари дол-

зарблашиб бормоқдаки, бу бўйича доимий равишда чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Адабиётлар таҳлили. Ривожланаётган мамлакатларда, хусусан, МДХ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) минтақасида таълимни бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан молиялаштириш билан боғлиқ масалалар, ҳақиқатдан ҳам, жуда муҳим ва диққат билан кўриб чиқишга арзийди. МДХ мамлакатлари ва Ғарб давлатлари ўртасида таълимга бюджет ажратишда сезиларли тафовутларни кўрсатди. Ғарб мамлакатлари ўзларининг умумий бюджетлари юқори фоизини таълимга ажратади. Ушбу номуносивлик МДХ худудида таълимга инвестицияларни кўпайтириш зарурлигини таъкидлайди.

Давлат мамлакатда таълимга энг катта молиявий маблағларни ажратади. Россиянинг

таълимга бўлган харажатлари жамланган бюджетнинг 4-5 %ини сарфлайди, Беларусь, Литва, Латвия, Қозоғистон таълимга 12 %дан 18 %гача, АҚШда 17 %гача сарфланади [1].

Бюджет таълим муассасалари ўзларининг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида пулли хизматларни жорий этиши керак. Тадқиқотнинг долзарблиги шундан иборатки, сифатли таълим иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили бўлиб, етарлича молиялаштирилмаса, у доимо паст даражада бўлади [2].

Т.С.Турбинова мақоласида: “Бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган таълим муассасаси молиявий ресурслардан олдиндан тасдиқланган даромад ва харажатлар сметасига кўра фойдаланади. Тасдиқланган даромадлар ва харажатлар бюджетига мувофиқ ташкилот бюджет субсидиясини олади. Бюджет субсидиясини ўз хошига кўра тақсимлаб бўлмайди, у ходимларнинг иш ҳақига, коммунал тўловларни тўлашга ва муассасанинг турли эҳтиёжларига сарфланади” [3], – деб таъкидланган.

Таълим муассасаси ўз эҳтиёжлари учун мақсадли субсидиялар – грантлар олиши мумкин. Грант эълон қилинган лойиҳага мувофиқ танлов асосида тақдим этилади. Бюджет муассасаси бюджетдан ташқари маблағлардан молиялаштириш манбаи сифатида фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолда муассаса кредит олиш ҳуқуқига эга эмас [2].

Л.В.Грибанова фикрича: “Замонавий шароитда бюджет таълим муассасалари бюджетдан маблағ олади. Агар илгари бундай молиялаштириш имтиёзли деб айтиш мумкин бўлса, замонавий шароитда ўрганилаётган муассасалар тадбиркорлик характеридаги турли хил иш ва хизматларни амалга ошириш орқали кўшимча равишда даромад келтирадиган фаолиятни амалга ошириш имкониятига эга” [4].

Д.И.Ворониннинг сўзларига кўра, “Россия Федерациясида таълимни молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг асосий хусусияти бюджет маблағларининг тақчиллиги билан боғлиқ. Аммо амалиёт шуни кўрсатадики, баъзида муаммо маблағларнинг етишмаслиги эмас, балки улардан оқилона фойдаланишдир. Шу муносабат билан мамлакатимиз таълим тизимини молиялаштиришнинг асосий муаммоси нафақат бюджет маблағларининг тақчиллиги, балки бюджетдан молиялаштириш механизмнинг самарасизлигидир” [5].

Ю.А.Петрова, М.В.Сергеева фикрича: “Бизнинг таълимимизнинг асосий муаммоси молиявий оқимларни нормаллаштириш деб ҳисоблайди. Сўнгги уч йил ичида “назорат қилиш” бошланғич ва ўрта таълим соҳасида бутунлай йўқолди, чунки давлат ўз тартибга солувчи позициясидан сезиларли даражада узоқлашди. Шу сабабли

ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий тизими йўқолди. Аслида бу мавжуд эмас – бизда камида учта фаол тўлов алгоритми мавжуд, аммо уларнинг ҳеч бири ишламайди. Аввалига ўртача иш ҳақига интилиш бошланди, кейин иш юкига интилиш бошланди ва яқунда биз меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг таълим сифати ва ўқитувчиларни рағбатлантириш механизми сифатидаги аҳамияти ҳақида гапирмаяпмиз. Аввал шарт-шароит яратиб, кейин вазифаларни қўйишимиз керак” [6].

И.Ю.Федорова ва Э.Ю.Элистратованинг фикрича, ҳозирги вақтда таълим муассасаларини молиялаштиришнинг аҳоли жон бошига молиялаштириш талабларига тўлиқ жавоб берадиган ва натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг асосий тамойиллари асосида харажатлар ваколатларини белгиловчи тизими мавжуд эмас [7].

Юқоридаги адабиётларни ўрганиш асосида айтиш мумкинки, МДХ минтақасида таълимни молиялаштириш билан боғлиқ масалалар кўп қиррали бўлиб, улар бюджетни тақсимлаш, маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ва натижага йўналтирилган ёндашув зарурлигини қамраб олади. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш таълим сифатини ошириш ва таълим муассасаларини самарали ўрганиш тажрибасини таъминлаш учун зарур ресурсларга эга бўлишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот методологияси. Мақолада илмий абстракциялаш, индукция-дедукция каби назарий усуллардан кенг фойдаланилган. Шунингдек, иқтисодий таҳлилнинг таққослама усулини қўллаш асосида илмий хулосалар олинган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда бошланган олий таълим муассасаларининг ўзини молиялашга ўтказилиши, яқин келажакда ўз салмоғини оширишда давом этиши ҳукумат томонидан доимий равишда рағбатлантириб келинмоқда. Шу билан бирга, бу масалада – профессионал таълим муассасаларига нисбатан ҳам секинлик билан қўллаш амалиёти устида ишлар амалга ошириб келинмоқда.

1-жадвалда ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари томонидан ишлаб топилган бюджетдан ташқари маблағлари 2019 йилда йил давомидаги тушуми 205412,6 млн. сўм, йил давомидаги харажат 241267,3 млн. сўм, мос равишда 2020 йилда йиллик тушум 241 249,5 млн. сўм, йиллик харажат 177 754,4 млн. сўм, 2021 йилда йиллик тушум 749 291,8 млн. сўм, йиллик харажат 654 838,0 млн. сўм, 2022 йилда йиллик тушум 869 015,0 млн. сўм, йиллик харажат 731 566,5 млн. сўмни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин.

2019-2022 йилларда ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари томонидан ишлаб топилган бюджетдан ташқари маблағлари ва уларнинг ҳаракати таҳлили, млн. сўм

УМУМИЙ ЖАМИ	2019 йил		2020 йил		2021 йил		2022 йил	
	Йил давомида тушум	Йил давомидаги харажат	Йил давомида тушум	Йил давомидаги харажат	Йил давомида тушум	Йил давомидаги харажат	Йил давомида тушум	Йил давомидаги харажат
	205412,6	241267,3	241 249,5	177 754,4	749 291,8	654 838,0	869 015,0	731 566,5
<i>Академик лицейлар</i>	19 018,6	18 799,8	14 548,4	11 986,8	67 166,8	61 333,4	55 704,4	49 033,3
<i>Касб-хунар мактаблари</i>	0,0	0,0	3 498,7	709,9	26 152,9	25 955,3	20 382,5	19 865,3
<i>Коллежлар</i>	186 394,0	222 467,5	161 444,5	163 458,7	291 897,3	260 781,0	341 452,0	288 774,1
<i>Техникумлар</i>	0,0	0,0	61 757,9	1 599,0	364 053,1	306 760,4	451 388,2	373 806,9
<i>Марказлар</i>	0,0	0,0	0,0	0,0	21,7	8,0	88,0	86,9
Ривожлантириш жамғармаси (4001)	34 255,5	32 943,8	32 434,8	30 253,8	105 612,2	96 036,4	89 224,6	75 662,7
<i>Академик лицейлар</i>	7 421,5	6 922,1	9 025,0	7 894,2	51 570,2	46 505,8	38 900,6	34 196,5
<i>Касб-хунар мактаблари</i>	0,0	0,0	2 055,6	286,5	16 828,6	16 257,2	12 262,3	11 560,8
<i>Коллежлар</i>	26 834,0	26 021,8	19 850,9	22 047,0	16 727,7	16 723,2	17 137,9	14 193,6
<i>Техникумлар</i>	0,0	0,0	1 503,3	26,1	20 464,0	16 542,1	20 835,8	15 625,0
<i>Марказлар</i>	0,0	0,0	0,0	0,0	21,7	8,0	88,0	86,9
Озиқ-овқат учун ота-оналар тўловлари (4008)	11 050,0	11 298,2	4 388,3	3 928,3	24 838,0	23 715,6	20 173,4	20 460,8
<i>Академик лицейлар</i>	11 048,3	11 297,1	3 961,0	3 862,8	11 239,2	10 974,9	12 707,8	11 813,7
<i>Касб-хунар мактаблари</i>	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
<i>Коллежлар</i>	1,7	1,2	427,3	65,6	13 598,8	12 740,6	7 465,6	8 647,1
<i>Техникумлар</i>	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
<i>Марказлар</i>	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Тўлов-контракт ўқитиш ҳисобига (4009)	160 107,2	197 025,3	204 426,4	143 572,3	618 841,6	535 086,0	759 617,0	635 443,1
<i>Академик лицейлар</i>	548,8	580,7	1 562,4	229,8	4 357,4	3 852,6	4 096,0	3 023,2
<i>Касб-хунар мактаблари</i>	0,0	0,0	1 443,0	423,5	9 324,2	9 698,1	8 120,1	8 304,5
<i>Коллежлар</i>	159 558,3	196 444,6	141 166,3	141 346,1	261 570,8	231 317,1	316 848,5	265 933,4
<i>Техникумлар</i>	0,0	0,0	60 254,6	1 572,9	343 589,1	290 218,3	430 552,4	358 181,9
<i>Марказлар</i>	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

Манба: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

MOLIYA VA SOLIQLAR

2-жавдал

2019-2022 йилларда ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағларнинг харажат йўналишлари бўйича таҳлили, млн. сўм

Манба	Умумий харажатлар	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	Коммунал харажатлар	Жорий таъмирлаш ва сақлаш харажатлари	Товар-моддий захиралари харажатлари	Асосий воситалар ва капитал харажатлар	Бошқалар
2019 йил							
Ривожлантириш жамғармаси	32 697,7	9 052,5	1 344,9	2 978,6	5 049,8	8 573,9	5 697,9
Озиқ-овқат учун ота-оналар тўловлари	11 291,4	0,0	0,0	0,0	11 291,4	0,0	0,0
Тўлов-контракт	189 570,6	111 891,6	6 789,0	39 348,2	8 499,8	17 013,0	6 028,9
Жами:	233 559,7	120 944,1	8 133,90	42 326,80	24 841,00	25 586,90	11 726,80
2020 йил							
Ривожлантириш жамғармаси	26 867,1	9 897,5	824,5	6 450,5	2 855,3	2 608,6	4 230,6
Озиқ-овқат учун ота-оналар тўловлари	3 878,3	0,0	0,0	0,0	3 878,3	0,0	0,0
Тўлов-контракт	137 881,7	82 001,6	5 153,2	28 271,3	7 279,5	8 203,7	6 972,5
Жами:	168 627,10	91 899,10	5977,7	34 721,80	14 013,10	10 812,30	11 203,10
2021 йил							
Ривожлантириш жамғармаси	90 305,7	34 065,5	1 909,6	20 506,3	6 287,5	16 050,0	11 486,8
Озиқ-овқат учун ота-оналар тўловлари	22 455,2	0,0	0,0	0,0	22 455,2	0,0	0,0
Тўлов-контракт	502 825,4	368 568,5	7 301,1	68 626,3	13 201,1	32 169,4	12 959,0
Жами:	615 586,30	402 634,00	9 210,70	89 132,60	41 943,80	48 219,40	24 445,80
2022 йил							
Ривожлантириш жамғармаси	73 180,6	41 444,5	1 967,2	5 881,8	6 516,4	5 881,8	11 488,9
Озиқ-овқат учун ота-оналар тўловлари	19 785,2	0,0	0,0	0,0	19 785,2	0,0	0,0
Тўлов-контракт	635 776,9	510 774,3	6 255,9	44 325,2	15 785,6	44 325,2	14 310,7
Жами:	728 742,70	552 218,80	8 223,10	50 207,00	42 087,20	50 207,00	25 799,60
2023 йилнинг 9 ойлиги							
Ривожлантириш жамғармаси	60 874,3	33 309,9	2 315,1	4 387,2	3 692,9	8 614,3	8 555,0
Озиқ-овқат учун ота-оналар тўловлари	6 191,3	0,0	0,0	0,0	6 191,3	0,0	0,0
Тўлов-контракт	479 022,8	370 507,0	4 238,2	10 046,8	16 766,8	53 825,9	23 638,1
Жами	546 088,40	403 816,90	6 553,30	14 434,00	26 651,00	62 440,20	32 193,10

Манба: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Шу ўринда маблағларнинг манбаларига эътибор қаратадиган бўлсак, Ривожлантириш жамғармасининг 2019 йилда йил давомидаги тушуми 34 255,5 млн. сўм, йил давомидаги харажат 32 943,8 млн. сўм, 2020 йилда йиллик тушум 32 434,8 млн. сўм, йиллик харажат 30 253,8 млн. сўм, 2021 йилда йиллик тушум 105 612,2 млн. сўм, йиллик харажат 96 036,4 млн. сўм, 2022 йилда йиллик тушум 89 224,6 млн. сўм, йиллик харажат 75 662,7 млн. сўмни; Озиқ-овқат учун ота-оналар тўловларидан 2019 йилда йил давомидаги тушуми 11 050,0 млн. сўм, йил давомидаги харажат 11 298,2 млн. сўм, мос равишда 2020 йилда йиллик тушум 4 388,3 млн. сўм, йиллик харажат 3 928,3 млн. сўм, 2021 йилда йиллик тушум 24 838,0 млн. сўм, йиллик харажат 23 715,6 млн. сўм, 2022 йилда йиллик тушум 20 173,4 млн. сўм, йиллик харажат 20 460,8 млн. сўмни; Тўлов-контракт ўқитиш ҳисобидан 2019 йилда йил давомидаги тушуми 160 107,2 млн. сўм, йил давомидаги харажат 197 025,3 млн. сўм, мос равишда 2020 йилда йиллик тушум 204 426,4 млн. сўм, йиллик харажат 143 572,3 млн. сўм, 2021 йилда йиллик тушум 618 841,6 млн. сўм, йиллик харажат 535 086,0 млн. сўм, 2022 йилда йиллик тушум 759 617,0 млн. сўм, йиллик харажат 635 443,1 млн. сўмни ташкил қилган. Кўриниб турибдики, аксарият ҳолларда муассасалар бошқа даромад манбаларидан кўра тўлов-контракт асосида таълим олишдан кўпроқ даромад олган.

Ушбу харажатларнинг ҳаракатини батафсил ўрганиш учун навбатдаги ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағларнинг харажат йўналишлари бўйича таҳлиliga оид 2-жадвал маълумотларини тақдим қилмоқдамиз. Маълумотларга қарайдиган бўлсак, 2019 йилда харажатларнинг энг катта қисми иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга умумий ҳисобда 120 944,1 млн. сўм, коммунал харажатлар 8 133,9 млн. сўм, жорий таъмирлаш ва сақлаш харажатлари 42 326,80 млн. сўм, товар-моддий захиралари харажатлари 24 841,0 млн. сўм, асосий воситалар ва капитал харажатлар 25 586,9 млн. сўм ва 11 726,8 млн. сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистондаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 2019 йилдан 2023 йил сентябргача бўлган молиявий маълумотлари таҳлили бир қанча эътиборга молик тенденцияларни аниқлади. Ушбу муассасаларда харажатларнинг энг катта қисми доимий равишда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга тақсимланган. 2019 йилда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар умумий харажатларнинг 51,8 фоизини ташкил этди, бу эса ходимлар билан

боғлиқ харажатларга жиддий масъулият юкланганидан далолат беради.

2020 йилда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар 91 899,1 млн. сўмни ташкил этиб, умумий харажатларнинг 54,5 фоизини, 2021 йилда 402 634,0 млн. сўмни ташкил этиб, умумий харажатларнинг 65,4 фоизини, 2022 йилда 552 218,8 млн. сўмни ташкил этиб, умумий харажатларнинг 75,8 фоизини ва 2023 йилнинг сентябр ойигача бўлган ҳолатда 403 816,9 млн. сўмни ташкил этиб, умумий харажатларнинг 73,9 фоизини ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Муҳим жиҳати, 2022 йилга келиб, ушбу тўловлар умумий харажатларнинг 75,8 %ини ташкил этди.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистондаги профессионал таълим муассасаларининг молиявий манзарасида кадрлар билан боғлиқ харажатларнинг аҳамиятини кўрсатади. Яъни бюджетдан ташқари маблағларнинг катта қисми педагогларнинг меҳнати қадрланиб, уларни молиявий рағбатлантиришнинг ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Профессионал таълим муассасаларига қабул қилишда давлат грантларининг камлиги ва тўлов-контракт суммаларининг юқорилиги умумий ўрта таълим мактабини битирган ёшларни профессионал таълим олиш имкониятларини чекламоқда. Чунки таълим муассасаларининг асосий молиявий маблағларидан бири ҳисобланган тўлов-контракт миқдори аҳолининг тўлов қобилиятини ҳисобга олмасдан белгиланган, бунинг натижасида ўқиш истагини билдирган фуқаролар камайиб бормоқда.

Бюджетдан ташқари молиялаштириш таълим муассасаларига ўзгарувчан таълим талабларига жавобан тезкор қарорлар қабул қилиш имкониятини берадиган маълум даражада автономия ва молиявий мослашувчанликни таъминлайди. Ҳукумат бюджетларига боғлиқликни камайтириш орқали муассасалар ўзларининг стратегик устуворликларига мувофиқ ресурсларни тақсимлаши мумкин, бу эса ўқув дастурларига, технологияни ўзлаштиришга ва саноат ҳамкорликларига тезроқ тузатишлар киритиш имконини беради.

Бюджетдан ташқари маблағлар профессионал таълим дастурлари сифатини ошириши мумкин. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркибини ривожлантиришга, ўқитиш методологияси ва соҳа тажрибасини оширишга сармоя киритишлари мумкин. Модернизация қилинган инфратузилма ва технология интеграцияси ўқув муҳитини яхшилайдди. Ташқи маблағлар, шунингдек, ўқув дастурларини бойитишни қўллаб-қувватлайди, бу эса ривожланаётган саноат тенденцияларига мос келадиган реал ҳаёт мисолла-

ри ва амалий тажрибаларни киритиш имконини беради.

Бюджетдан ташқари молиялаштириш талабаларнинг профессионал таълим олиш имкониятини ҳам оширишга хизмат қилиши мумкин. Чунки ташқари манбалардан стипендиялар ва молиявий ёрдам турли хил ижтимоий-иқтисодий муҳитдаги талабалар учун имкониятларни кенгайтиради.

Шу билан бирга, бюджетдан ташқари жамғармалар таълим дастурлари саноат эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ бўлишини таъминлаб, тармоқлар билан яқин ҳамкорликни кучайтиради. Саноат ҳамкорлиги пайдо бўлаётган малака талаблари ҳақида тушунча беради, бу эса битирувчиларни тегишли кўникмалар билан таъминлайдиган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш имконини беради. Ташқари манбалар томонидан қўллаб-қувватланадиган амалиёт ва ишга жойлаштириш имкониятлари талабаларни ҳақиқий дунё тажрибаси билан бевосита боғлайди.

Энг муҳими, бюджетдан ташқари молиялаштириш давлат маблағларини тўлдиради ва давлат ресурслари юқини камайтиради. Таълим муассасалари давлат маблағларини кенгроқ таълим муаммоларини ҳал қилиш учун йўналтириши мумкин, шу билан бирга, мақсадли дастурларни такомиллаштиришга қаратилган ташқари маблағлардан фойдаланиши мумкин. Бундай ўзгариш ташқари ҳиссалардан фойдаланган ҳолда максимал таъсир кўрсатадиган соҳаларга стратегик равишда давлат ресурсларини инвестиция қилиш имконини беради.

Профессионал таълимни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш кўп қиррали бўлиб, институционал автономия ва дастур сифатини оширишдан фойдаланиш имкониятини ошириш ва соҳага мослашишни қамраб олади. Ушбу таъсирлар таълим муҳитини инқилоб қилиш, тезкорлик, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш учун бюджетдан ташқари молиялаштириш имкониятларини таъкидлайди.

Албатта, бюджетдан ташқари маблағларнинг аҳамияти ва таъсири катта бўлиши билан бирга, айрим қийинчилик ва муаммоли вазиятларни ҳам вужудга келтириши мумкинки, бунини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан:

- бюджетдан ташқари молиялаштиришдаги муаммолардан бири маблағлардан фойдаланишда шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлашдир. Ташкилотлар тўғри тақсимланганлигини кўрсатиш ва маблағларнинг ҳар қандай потенциал ўзгаришининг олдини олиш учун аниқ молиявий ҳисобот механизмларини қўллаб-қувватлаши керак. Шаффофликни таъминлаш манфаатдор томонлар ишончини оширади ва нотўғри бошқарувдан ҳимоя қилади.

- бюджетдан ташқари фондлар ташқари ҳомийларга қарамлик даражасини жорий этиши мумкин. Ташкилотлар ташқари молиялаштириш ўзгарувчан бўлса ҳам дастурларнинг давом этишини таъминлаш учун барқарорлик режаларини ишлаб чиқиши керак. Стратегик захираларни яратиш тўсатдан молиялаштириш тақчиллиги хавфини камайтириши ва молиявий беқарорликка қарши буферни таъминлаши мумкин.

- бюджетдан ташқари молиялаштириш таълим муассасаларига автономия берган бўлсада, автономия ўртасидаги мувозанатни сақлаш ва манфаатдор томонларнинг талабларига жавоб беришда қийинчиликлар туғдириши мумкин. Ҳомийлар ўқув дастурлари мазмуни ва таълим қарорларига потенциал таъсир кўрсатиши мумкин бўлган махсус талаблар ёки имтиёзларга эга бўлиши мумкин. Таълим муассасаларига бундай таъсирлар таълим яхлитлигини бузмаслигини таъминлаши керак.

- бюджетдан ташқари молиялаштириш моделлари, агар эҳтиёткорлик билан бошқарилмаса, киришдаги номутаносибликни беихтиёр кучайтириши мумкин. Кўпроқ ташқари маблағларга таянадиган танлов дастурлари ижтимоий тенгсизликка ҳисса қўшиб, баъзи талабалар гуруҳларини тасодифан чиқариб ташлаши мумкин. Муассасалар бундай муаммоларни фаол равишда ҳал қилиши ва таълим имкониятларидан тенг фойдаланишни таъминлаш чораларини кўриши керак.

- бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш мураккаб ҳуқуқий ва тартибга солишларни бошқаришни ўз ичига олади. Ташкилотлар тегишли меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини таъминлаши ва ҳомийлар билан шартномаларини тузиши керак. Мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви, интеллектуал мулк ҳуқуқлари ва маълумотларнинг махфийлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бюджетдан ташқари молиялаштириш моделларининг муаммосиз амалга оширилишини таъминлаш учун жуда муҳимдир.

Ушбу муаммолар ва мулоҳазаларни ҳал қилиш таълимнинг яхлитлиги, барқарорлиги ва адолатлилигини таъминлашда бюджетдан ташқари молиялаштиришнинг афзалликларидан фойдаланишни мақсад қилган муассасалар учун жуда муҳимдир.

Профессионал таълимни бюджетдан ташқари молиялаштиришнинг келажаги истиқболли бўлиб, молиялаштиришнинг инновацион моделларига қизиқиш ортиб бормоқда. Таълим муассасалари турли манбалардан молиялаштиришни жалб қилиш учун кейинги диверсификация стратегияларини ўрганиши мумкин. Трансчегаравий маблағлар ва тажриба алмашинувини рағбатлантириш орқали глобал шериклик ва

хамкорлик кенгайиши мумкин. Технологиядаги ютуқлар бюджетдан ташқари молиялаштириш механизмларининг самарадорлиги ва шаффофлигини оширишда ҳам роль ўйнайди. Технология бюджетдан ташқари маблағларни бошқаришда инқилоб қилиш имкониятига эга. Рақамли платформалардан фойдаланишни шаффоф кузатиш, жавобгарлик ва манфаатдор томонлар ишончини ошириш имконини беради.

Хукумат сиёсати бюджетдан ташқари молиялаштиришнинг барқарорлиги ва таъсирини шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ташқи молиялаштиришни рағбатлантирадиган сиёсат асослари таълим муассасаларини турли молиялаштириш йўллариини ўрганишга ундаши мумкин. Норматив кўрсатмалар ташқи маблағлардан фойдаланиш ахлоқий, шаффоф ва таълим мақсадларига мос келишини таъминлайди. Хукуматлар, шунингдек, ҳамкорликда молиялаштириш моделларини ривожлантириш учун давлат-хусусий шерикликка кўмаклашиши мумкин.

Шуни тан олиш керакки, профессионал таълим муассасаларига йўналтирилган инвестициялар жамият учун кенг қўламли фойда келтириши, жумладан, малакали ишчи кучини ривожлантириш, битирувчиларнинг бандлигини ошириш ва умумий иқтисодий ўсиш имконини беради. Шу сабабли ушбу муассасалар ўзларининг молиявий имкониятларини оширмагунича, давлат бюджетидан вақтинчалик молиявий ёрдам кўрсатиш тўғри стратегия ҳисобланади.

Шу билан бирга, давлат ресурсларини бошқаришда шаффофлик, ҳисобдорлик ва самарадорликни таъминлаш учун ушбу бюджет маблағларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бў-

йича аниқ кўрсатмалар ва механизмларни ишлаб чиқиш жуда муҳим. Бундан ташқари давлат томонидан қўллаб-қувватланишининг касбий таълим муассасалари фаолияти ва молиявий барқарорлигига таъсирини мунтазам равишда мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга ошириш, зарурат туғилганда, асосли тузатишлар кириштиш керак.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, касб-хунар таълими муассасаларини бюджетдан ташқари молиялаштириш моделларининг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлаш профессионал таълим муассасаларидан жамғарма фондларини ва кенг қамровли барқарорлик режаларини яратишни талаб қилади. Маблағ йиғишда ахлоқий меъёрлар, жумладан, ҳомийлар ўртасидаги муносабатларда шаффофлик ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш жамоатчилик ишончини сақлаб қолиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, таълим олишнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашда ўзларининг ижтимоий масъулиятини ҳимоя қилиши керак.

Таълимни бюджетдан ташқари манбалар воситасида молиялаштириш ривожланиб борар экан, унинг келажақдаги истиқболлари профессионал таълимни молиялаштириш усулини ўзгартириш имкониятига эга. Технологиядан фойдаланиш, қўллаб-қувватловчи давлат сиёсатига мослашиш ва ахлоқий меъёрларни қўллаб-қувватлаш бюджетдан ташқари молиялаштириш моделларининг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Клейман А.В. Актуальные проблемы финансирования общеобразовательных учреждений. // Экономика образования. 2015. № 3. – 180 с.
2. Соловьёва М.И., Гонин В.Н. Особенности финансирования бюджетных образовательных учреждений. СИМВОЛ НАУКИ. ISSN: 2410-700X. № 10. 2020.
3. Турбинова Т.С., Иванченко Л.А. Проблемы финансирования бюджетных образовательных учреждений в современных условиях. // Актуальные проблемы авиации и космонавтики. 2015. № 11. С. 612-613.
4. Грибанова Л.В., Рубцова Е.В. Финансирование бюджетных образовательных учреждений в современных условиях. // Развитие инновационной экономики, материалы VI международной научно-практической конференции. 2019. С. 83-88.
5. Воронина Д.И. Проблемы финансирования образования. // Молодой ученый. 2019. № 38 (276). С. 97-98.
6. Петрова Ю.А., Сергеева М.В. Проблемы финансирования бюджетных образовательных учреждений в современных условиях. // Актуальные научные исследования в современном мире. 2020. № 1-2 (57). С. 89-91.
7. Федорова И.Ю., Елистратова Е.Ю. Совершенствование механизма финансирования образования. // Финансовый журнал. 2012. № 1. С. 153-156.